БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 84 (19.755). • 1987 йил 12 апрель, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

## ШАНБАЛИК ТАРАДДУДИ

**● ЖАРҚЎРҒОН**

48-автотранспорт корхонасидан В. Сабоев, Д. Худойқулов ва А. Долженков бошчилик қилаётган шоферларнинг бригадалари коммунистик шанбалик куни — 18 апрелда тежаб қолинган ёнилғи билан ишлаб бериш мажбуриятини қабул қилдилар.

Корхона коллективи область қурувчиларига ва йўл ходимларига 22 минг тонна бинокорлик материалини етказиб беради. Икки автомашинани ремонтдан чиқариш ва саккизта машинага техника хизмати кўрсатиш мўлжалланмоқда.

**● ХИВА**

Гилам комбинатининг 15 нафар тўқувчиси ва 10 нафар йигирувчиси «Қизил шанбалик» кунигача тўрт ойлик топшириқни бажаришга қарор қилдилар. Ишлаб чиқариш илғорларининг ташаббуси коллективда қизғин қўллаб-қувватланди.

Коммунистик шанбаликда корхонанинг икки мингдан зиёд ишчи ва хизматчиси қатнашади. Коллектив кунлик топшириқни 110 процентдан ошириб бажаришга қарор берди. 4 минг квадрат метр гилам, 7 тонна калава ишлаб чиқариш мўлжаллаб қўйилди.

**● ҚАРШИ**

«Каршистройиндустрия» бирлашмаси корхоналарининг коллективлари Бутуниттифоқ шанбалиги куни йил бошидан буён тежаб қолинган цемент, металл конструкциялари, электр энергияси ҳисобидан ишлаб берадилар. Қарши чўлқуварларининг турар жой поселкалари учун пландан ташқари темир-бетон новлар ва блоклар тайёрлаб бериш мўлжалланмоқда.

Транспортчиларнинг программаси катта бўлиб, улар зарбдор объектларга бинокорлик материаллари етказиб берадилар. Инженер-техник ходимлар уй-жойларни, ишчилар ошхонаси, стадионни қуришда меҳнат қиладилар.

(ЎзТАГ).

# ЧЕХОСЛОВАКИЯ—СОВЕТ ДЎСТЛИГИ МИТИНГИ

ПРАГА, 10 апрель. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун бу ердаги Маданият саройида Чехословакия — Совет дўстлиги митинги бўлди.

Тўпланганлар ҳузурида Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак нутқ сўзлади.

Шундан кейин КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

## Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Азиз ўртоқ Гусак!

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Аввало сизларга шоду ҳуррамлик ва меҳмондўстлик учун чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирмоқчиман. Биз бу меҳмондўстликни Чехословакия заминига келган дастлабки дақиқаларданоқ сезиб турибмиз Мен бу ерда Прага аҳолиси, ЧКД цехларида ишчилар билан, партия ва давлат арбоблари билан учрашувлардан, ошкора ва дўстона суҳбатлардан олган чуқур таассуротларни айтмай ўта олмайман. Бизнинг партиямизга, халқимизга, мамлакатимизга нисбатан билдирган дўстлик туйғуларингиз учун чин кўнгилдан раҳмат айтаман.

Сизнинг ҳузурингизда — чех ва словак халқлари барча табақаларининг вакиллари бўлган партия ва давлат раҳбарлари ҳузурида сўзга чиқиш имконияти берилганлигини ниҳоятда қадрлайман.

Митингимиз мамлакатнинг кенг жамоатчилиги билан ўзига хос учрашувдир. Фурсатдан фойдаланиб, совет кишиларининг чехословакиялик қардошларимизга жуда теран дўстона ҳис-туйғуларини изҳор этаман.

Ўртоқ Гусак муносабатларимизнинг характери, Чехословакия ва совет коммунистларини, иккала мамлакатимиз халқларини бирлаштириб турган алоқаларнинг мустаҳкамлиги, ҳамкорлигимизнинг аҳамияти ҳақида яхши гапирди. Унинг сўзларига мамнуният билан қўшиламан. Партиямиз сиёсати, XXVII съезд йўли юксак баҳоланганлиги учун миннатдорчилик билдираман.

Партияларимиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар яқин келажакда яна ҳам кенг ва яна ҳам теранроқ бўлади, деб ҳисоблаш учун ҳамма асослар бор. Кеча ва бугун бу ерда, Прагада бўлиб ўтган музокараларнинг асосий мазмуни худди ана шундай тараққиётни таъминлашдадир.

Музокаралар якунига кўра, қўшма ҳужжат эълон қилинади. Аммо ҳозирнинг ўзида шуни айтишим мумкинки, ички ишларга ҳам, халқаро ишларга ҳам бизнинг ёндашувларимиз муштаракдир. Иккала томон Совет — Чехословакия ҳамжиҳатлигини чуқурлаштириш ва ҳар томонлама бойитиш йўлидан бундан буён ҳам бораверишга интилмоқда.

Ҳамиша бўлганидек, бу гал ҳам суҳбатларимизда социалистик қурилишнинг бориши, планлар ва келажак режалари хусусида ўзаро ахборот бериш катта ўрин эгаллади. Чехословакиялик ўртоқлар ЧКП XVII съездида белгилаб берилган программанинг амалга оширилиши тўғрисида гапириб бердилар.

Сизларнинг ҳар бир муваффақиятингиз бизни чин кўнгилдан қувонтиради. Ҳақиқатан ҳам фахрланса арзийдиган муваффақиятларингиз бор. Бугунги Чехословакия бутун жаҳон кўз ўнгида илғор, иқтисодий ва социал жиҳатдан тараққий этган давлат сифатида намоён бўлмоқда. Мамлакат халқ хўжалигига ҳавас қилса арзигудек барқарорлик хосдир. У ташқи қарздорлик юкидан холидир. Мамлакат қудратли саноат ва илмий-техника потенциалига, интенсив ривожланган қишлоқ хўжалигига эга. Аҳолининг турмуш даражасини, маориф ва соғлиқни сақлаш системасини, ёш авлод ва меҳнат ветеранлари ҳақидаги ғамхўрликни жаҳондаги энг юксак кўрсаткичлар билан таққосласа арзийди.

Буларнинг ҳаммаси — социализмнинг яққол самараси, коммунистлар партияси раҳбарлигидаги халқ оммасининг собитқадам меҳнати натижасидир. Бу аввало бошқа социалистик мамлакатларда бўлгани сингари ЧССРда айнан ишчилар синфи жамият тараққиётининг ҳаракатга келтирувчи кучи эканлигини ўзининг бутун тарихи билан исботлаган шу синф меҳнатининг самарасидир.

Биз билан суҳбатлар чоғида чехословакиялик ўртоқлар ҳал бўлмаган муаммолар, қийинчиликлар хусусида ҳам гапирдилар. Коммунистлар даврасида қабул қилинганидек, бу хусусда ҳам рўй-рост ва ошкора гаплашиб олдик. Фикр-ўйларимиз, қувонч ва ташвишларимизни дўстларимиз билан баҳам кўрмасак, яхшироқ ишлаш ва яшаш учун яна нималар қилишимиз лозимлиги хусусида дўстларимиз билан биргаликда маслаҳатлашмасак, бошқа ким билан маслаҳатлашамиз.

Залда ҳозир бўлганлар ҳам мамлакатингиздаги кўпчилик меҳнаткашлар сингари бизнинг мамлакатимизда ҳозир содир бўлаётган жараёнлардан яхши хабардор эканликларига шубҳа қилмайман. Чехословакиядаги оммавий ахборот воситалари бизда бўлаётган қайта қуришнинг мазмунини кенг ва батафсил ёритмоқдалар. Шундай бўлса ҳам, сизлар билан ўз ишларимиз ва планларимиз хусусида маслаҳатлашиб олишни истар эдик.

Ҳозир ишларимизнинг бориши қалай?

Қайта қуриш ғояси ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, қайта қуришни ижтимоий тараққиётнинг бутун объектив бориши, мамлакатнинг ҳаётий эҳтиёжлари кун тартибига қўйди. Баъзан шундай бўлади: биз пойдевори мустаҳкам, деворлари пишиқ, умуман, анча дуруст уйда яшаймиз-у аммо айни вақтда бу уйдаги кўп нарсалар энди бизни қаноатлантирмайди, у ўсиб бораётган талаблар ва эҳтиёжлардан орқада қолган. Майда ремонтнинг ўзи кифоя бўлмай қолади. Ҳамонки шундай экан, капитал реконструкция қилишга тўғри келади.

Бизда шундай бўлмоқда, социализмнинг мустаҳкам негизида экономика ва сиёсатда, маънавий соҳада, партия ишининг услуб ва методларида қайта қуришга киришдик.

Октябрь революциясидан кейин ўтган етмиш йил мобайнида кашшофлар йўлидан бориб, империалистик босқинчилик, тарихда мисли кўрилмаган вайронагарчилик келтирган урушдек жуда кўп, ниҳоятда оғир синовлардан шараф билан ўтиб, бизнинг халқимиз коммунистлар партияси раҳбарлигида ўз Ватанини социал ва илмий тараққиётнинг юксакликларига олиб чиқди.

Совет Иттифоқининг ижтимоий фаолият турли соҳаларидаги зафарлари яхши маълум. Етмишинчи йилларда аниқ-равшан сезилиб қолган жиддий муаммолар ва турғунлик ҳолатларига худди ана шу муваффақиятлар фонида, айниқса, тоқат қилиб бўлмай қолди. Рўй-рост айтадиган бўлсам, бизда кескин қарама-қаршиликлар пайдо бўлди. Пўлат ишлаб чиқариш, хом ашё ва ёнилғи-энергетика ресурсларининг миқёслари ниҳоятда катта бўлиб, аллақачондан бери бу соҳада бизга тенглашадиганлар бўлмаса ҳам, исрофгарчилик, самарасиз фойдаланиш оқибатида бу ресурслар етишмаяпти. Ғалла етиштириш бўйича жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турсак ҳам, ҳар йили миллион-миллион тонна озуқабоп дон сотиб олиш зарурати туғилмоқда. Совет фанининг ютуқлари, шу жумладан, фундаментал тадқиқотлар соҳасидаги ютуқларини ҳамма эътироф этган. Ҳар минг кишига ҳисоблаганда энг кўп врач, касалхона ўрни тўғри келса-да, медицина ёрдамининг сифатида катта камчиликлар бор. Бизнинг ракеталаримиз ҳайратда қоладиган даражада аниқлик билан Галлей кометасини топмоқда ва Венера сари учмоқда, аммо илмий ва инженерлик тафаккурининг ана шу тантанаси билан ёнма-ён халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун илмий ютуқлардан амалда фойдаланиш соҳасида анча орқада қолиб кетилмоқда, жўнгина маиший асбоблар дурустроқ тайёрланмаяпти.

Бунда, албатта, ғоявий душманларимиз таъкидлаётганидек, социалистик тузум эмас, балки биз партия ва халққа ошкора айтганимиздек, мамлакатга раҳбарлик, уни бошқаришдаги нуқсонлар сабабдир. Биз интизомнинг бўшашиб кетганлиги, серунум ижодий меҳнат имтиёзлари сусайганлигини ҳам рўй-рост айтдик.

Кўпинча биздан дўстларимиз ҳам, бошқалар ҳам камчиликларни шу қадар ўткир танқид қилиш нечоғлик тўғри, бу танқид СССР нуфузига, умуман, социализм нуфузига путур етказмайдими, деб сўрайдилар.

Биз китоблардангина эмас, балки ўзимизнинг жуда катта тажрибамиздан биламизки, танқид ва ўз-ўзини танқид бўлмас экан, социализм ривожидаги ютуқлар, олға ҳаракат ҳам бўлмайди. Афсуски, ана шу доно қоидага практикада ҳамиша ҳам амал қилмадилар. Воқеликни «муаммосиз» кўрсатиш ёмон оқибатга олиб келди: ижтимоий пассивликни, эълон қилинган шиорларга ишончсизликни туғдирадиган сўз билан иш ўртасидаги узилиш пайдо бўлди. Социализмнинг жозибасига келганда шуни айтиш керакки, бу жозиба пировардида сўзлар билан эмас, балки реал ишлар билан вужудга келтирилади. Ўз камчиликлари ва хатоларини виждонан тан олиш, уларни бартараф этишдаги қатъият социализм нуфузини мустаҳкамлайди, албатта.

Ҳозир бизнинг куч-ғайратимиз бутун ижтимоий механизмни қайта ташкил этишга қаратилгандир. Экономикада— бу экстенсив методлардан интенсив методларга ўтиш, энг илғор илмий-техникавий негизда социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришдир.

Сиёсий соҳада — кенг демократияни ва халқнинг ўз-ўзини бошқарувини авж олдиришга, бюрократизмни ва ҳокимиятни суиистеъмол қилишни таг-томири билан тугатишга, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашга.

Идеологияда, маънавий соҳада — кўр-кўрона қироатхонлик ва ақидапарастликка қарши марксизм-ленинизм назариясини ижодий ривожлантиришга, юксак ахлоқийлик, социалистик қадриятлар принципларини қарор топтиришга қаратилади.

Хуллас, бутун фаолиятимизни ташкил этишдаги сингари ижтимоий онгда, одамлар психологиясида, уларнинг ишга муносабатида ҳам туб бурилиш қилиш зарур ва ўз характери жиҳатидан революцион бурилиш қилиш зарур.

Инсоният тарихида энг чуқур социал революцияни бошдан кечирган ва социализм барпо этилган мамлакатдаги революцион ўзгаришлар тўғрисида гапириш жоизмикан? Ўйлайманки, гапириш жоиз, бу юз бераётган ҳодисаларнинг моҳиятини қонуний, аниқ акс эттиради.

Фақат назарий жиҳатдангина эмас, шу билан бирга катта сиёсий аҳамиятга молик мана шу масала хусусида тўхталиб ўтмоқчиман.

Октябрь революцияси сиёсий соҳада, бутун ижтимоий муносабатлар системасида ғоят чуқур бурилиш амалга оширилганлигини билдирди. Бу революция айрим синфларни — буржуазияни, помешчикларни ҳокимиятдан четлаштириб, бошқарув воситаларини бошқаларга — пролетариатга, энг камбағал деҳқонларга берди. Бу революция ишлаб чиқариш воситаларини хусусий мулк эгаларидан олиб, халққа топширди. Туб ўзгартишлар натижасида вужудга келтирилган жамиятнинг янги социал-сиёсий негизи социализмни ривожлантиришнинг мустаҳкам пойдевори бўлди ва шундай бўлиб қолади.

Бироқ амалда бу жараён доирасида ижтимоий муносабатларнинг формаларини вақти-вақти билан янгилаш зарурати вужудга келиши мумкин ва вужудга келади. Ёки К. Маркс билан Ф. Энгельс кашф этган машҳур қонун — ижтимоий муносабатлар формаларини ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш даражаси билан мувофиқлаштириш зарурати юзага келиши мумкин ва юзага келади. Социализмда бу вазифа ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу жиҳатларини мунтазам такомиллаштириш йўли билан ҳал этилиши керак. Аммо етилган ўзгартишлар амалга оширилмаса, пайсалга солинса, проблемалар эса тўпланиб қолса, янада кескин воситаларни қўлланишга, революцион методлар билан иш кўришга тўғри келади.

В. И. Ленин ҳали системамизда кўп нарсаларни неча бор охирига етказишга ва ҳатто қайтадан амалга оширишга тўғри келади, деган эди. Ҳозирги вақтда биз ўз олдимизга шундай вазифани қўйдик. Бу вазифани ҳал этиш социализмнинг бунёдкорлик имкониятларини янада тўла очиб беришни, ижтимоий тузумимизни мустаҳкамлашни билдиради. Коммунистлар партияси мамлакатимизда авж олдириб юборилган революцион жараённинг ташаббускори бўлиб чиқаётганлиги, бу жараёнда эса бутун совет халқи, барча синфлар ва жамиятнинг барча қатламлари қатнашаётганлиги принципиал жиҳатдан муҳимдир.

Совет кишиларига яхши турмушни таъминлаш, жамоат ташкилотининг ва социал адолатнинг энг юксак намуналарини қарор топтириш — қайта қуришнинг пировард мақсадидир. Бундай мақсадга эришса бўладими? Биз ҳа, эришса бўлади, деб дадил айта оламиз. Бу хом хаёл эмас, балки соғлом фикрга ва пухта таққослаб кўрилган тахминга асосланган бутунлай реал режадир. Биз ҳақиқатдан ҳам жуда катта имкониятларга эгамиз. Гап шундаки, шу вақтгача чала-ярим, баъзида эса узилишлар билан ишлаган ижтимоий механизмларни тўла қувват билан ишга солиш учун ривожланишимизга тўсқинлик қилаётган жиҳатларга барҳам бериш ва жадаллаштиришга олиб келадиган воситаларни жорий этиш зарур.

Қайта қуришни таъминлайдиган, биз орзу қилган жадаллаштиришга имкон берадиган ҳаракатлантирувчи куч нима? Биз бундай ҳаракатлантирувчи кучни социалистик демократиямизни янада ривожлантиришда, кенг меҳнаткашлар оммасини, ҳар бир софдил совет меҳнатчисини мамлакатни бевосита бошқарув ишларига жалб этишда, деб биламиз — КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларининг асосий моҳияти ана шундан иборат. Давлатда ҳокимиятни тўла ўз қўлига олган, ўзини мамлакат соҳиби, деб ҳис этаётган ва мамлакат, область, шаҳар, ҳар бир корхонадаги ишларнинг аҳволи учун ўзини масъулиятли, деб билаётган халқгина қайта қуришнинг мураккаб ва хилма-хил вазифаларини ҳал этишга, совет жамиятини социал, иқтисодий, фан-техника тараққиётининг янги-янги марраларига олиб чиқишга қодирдир.

Бу йўналишдаги ҳаракатимизнинг асосий йўллари ҳам белгилаб олинди. Бу — ваколатли ва бевосита демократиянинг барча формаларини ривожлантиришдан, ўз-ўзини бошқарувни ҳамма жойда кенгайтиришдан, меҳнат коллективлари, Советлар, жамоат ташкилотларининг ролини оширишдан, шахс ҳуқуқларининг ҳуқуқий ва иқтисодий гарантияларини, қонунчиликни, ошкораликни, халқ контролини мустаҳкамлашдан иборат. Турмуш кўпинча режаларимиздан илгарилаб кетади. Чунончи, сайлов системасидаги ўзгаришлар эндигина ишлаб чиқилмоқда, кўпгина партия ва жамоат ташкилотларида, корхоналарда, илмий ходимлар ва санъат арбобларининг коллективларида эса раҳбарлар ҳозирнинг ўзидаёқ янгичасига сайланмоқдалар. Меҳнаткашлар шундай қарорга келдилар. Биз буни табрикламоқдамиз.

Демократлаштириш жараёнининг авж олдирилиши одамларнинг ташаббуси ва ижодкорлигини ривожлантиришга кенг имкониятлар очиб беради. Демократия шароитида ҳамманинг ўз қобилиятини намоён этиш имконияти яратиб берилади.

Шу билан бирга, бундай демократик муҳитда юлғичлар, бекорчилар, сафсатабозлар ва бюрократларга ўрин бўлмайди, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, жиноятчилик каби хатарли социал иллатларга қарши кураш кучайтириб юборилади. Демократлаштириш — жамиятни маънавий жиҳатдан тозалаш, унинг ахлоқий соғломлигини тиклаш ҳамдир.

Биз ўз экономикамизнинг самарадорлигини ошириш вазифасини қандай ҳал этмоқчи эканлигимизни алоҳида айтиб ўтмоқчиман. Бунда энг асосийси — қисқа давр ичида фан-техника тараққиётининг энг муҳим соҳаларида — информатика ва ҳисоблаш техникасида, халқ хўжалигини электронлаштириш ва роботлаштиришда, ротор ва ротор-конвейер линияларини қўлланишда, биотехнологияда ва бошқа бир қанча соҳаларда энг илғор даражага чиқиб олишдан иборат.

Инвестиция-структура сиёсатида биз хом ашё ва ёқилғи қазиб олишни кўпайтиришдан ресурсларни тежашга, янги объектлар қуришдан мавжуд ишлаб чиқаришни реконструкциялашга ва уларни техникавий жиҳозлашга алоҳида эътибор беряпмиз. Ресурслар аввало фан-техника тараққиётининг энг муҳим йўналишларини ривожлантиришга сарфланмоқда. Биз ҳатто технологик ва иқтисодий жиҳатдан энг замонавий марраларга чиқиш кўзда тутилмаган корхоналар қурилишини ва уларни реконструкциялашни тўхтатиб қўйдик.

Биз белгилаган халқ хўжалигини янги техникавий реконструкциялаш йўли мамлакат бутун тарихида мисли кўрилмаган Ватанимиз машинасозлигини модернизациялаш ва ривожлантириш программаси билан мустаҳкамланди. 90-йилларнинг бошларига бориб, машинасозлик маҳсулотини янгилаш асосан ниҳоясига етказилиши керак ва янги техника халқ хўжалигининг барча тармоқларига кенг кўламда кириб боради.

Буларнинг ҳаммаси — чуқурроқдаги резервлардир. Мана шу резервлар шу заҳоти эмас, балки беш йилликнинг охирларига бориб ва кейинроқ самара бера бошлайди. Ҳозирча ташкилий-иқтисодий ва маънавий-сиёсий омилларни жадаллаштириш учун интизомни мустаҳкамлашдан, меҳнатни ташкил этишни ва унга ҳақ тўлашнинг илғор формаларини, шу жумладан, бригада пудрати сингари самарали усулни жорий этишдан тўла даражада фойдаланишга интилмоқдамиз. Бизда ёмон ишлашга, технология режими бузилишларига мустаҳкам тўсиқ қўйиш учун маҳсулотни давлат йўли билан қабул қилиш жорий этилганлигини эҳтимол сизлар билсангиз керак.

(Давоми иккинчи бетда).

## ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ УЧУН КУРАШЧИ

«...Биз Россиянинг келажагига мансубмиз...» деб башорат қилган эди Александр Иванович Герцен. Бу сўзларни тарихнинг ўзи тасдиқлади. У бутун ҳаётини ўз халқига хизмат қилишга бағишлади. Улуғ рус ёзувчиси ва мутафаккири туғилган куннинг 175 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

10 апрель куни Москвада, Союзлар уйининг колонна залида бўлиб ўтган тантанали йиғилиш қатнашчилари революционер-демократ, курашчи ва ватанпарвар хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар. Бу ерда жамоатчилик вакиллари, маданият ва фан арбоблари, пойтахт корхоналарининг меҳнаткашлари йиғилган эдилар.

Мажлисда В. И. Воротников, Е. К. Лигачев, Б. Н. Ельцин, А. Н. Яковлев ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари А. А. Михайлов кечани оча туриб, совет кишилари Герценни Ватанимизнинг ҳаётини тубдан қайта қуриш пойдеворига, демократик, социалистик маданият пойдеворига асос солган шонли фарзандларидан бири сифатида ҳурмат қиладилар, деб таъкидлади.

СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси П. А. Николаев «Герцен ҳақида сўз» айтди. Нотиқ ёзувчининг ғоявий-ижодий меросини таърифлаб, бу мерос ўзининг кўпгина социал-фалсафий ва адабий жиҳатлари билан замонамизга ҳамоҳанг бўлиб, социалистик жамиятнинг маънавий ва ахлоқий қадриятларини қарор топтириш учун курашда қатнашмоқда, деб қайд этди. Унинг сиёсий фаолияти тажрибаси, тарих, маданият ҳақидаги фикр-мулоҳазалари революцион ўзгартишлар рўй бераётган ҳозирги вақтда, айниқса актуалдир.

Мамлакат адабий ва илмий жамоатчилигининг вакиллари курашчи-ёзувчи меросининг муқаррар аҳамияти, унинг Ватан маданияти хазинасига қўшган ҳиссаси тўғрисида гапирдилар. Пировардида санъат усталарининг концерти бўлди. (ТАСС).

## ИЖОДИЙ АКТИВЛИК, ХАЛҚ ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ—ҚАЙТА ҚУРИШ ВАЗИФАЛАРИДИР

### ЎЗБЕКИСТОН РАССОМЛАР СОЮЗИНИНГ XIII СЪЕЗДИ

Ўзбекистон Рассомлар союзининг XIII съезди 11 апрель куни Тошкентда ўз ишини тугатди. Делегатлар ижодий союз правлениеси ва ревизия комиссиясининг ҳисобот докладларини муҳокама қилишни давом эттирдилар. Республикада тасвирий санъатни янада ривожлантириш билан боғлиқ муҳим проблемалар, етилган масалалар юзасидан ошкора, кенг фикрлашиб олинди.

Қабул қилинган резолюцияда ижодий союзнинг КПСС XXVII съезди қарорларидан, партия олға сурган жадаллаштириш, жамиятнинг бутун турмушини қайта қуриш концепциясидан келиб чиқадиган вазифалари акс эттирилган. Ҳар бир рассомнинг ижодий активлигини, даврнинг янги талабларига, мамлакатда содир бўлаётган революцион ўзгартишларга мос келадиган санъатнинг ғоявий ва бадиий савияси учун унинг масъулиятини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениесининг, ревизия комиссиясининг янги состави, шунингдек, СССР Рассомлар союзининг VII съездига делегатлар сайланди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Р. Н. Нишонов, СССР Рассомлар союзининг секретари О. В. Буткевич съездда нутқ сўзладилар.

Съезд ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова қатнашдилар.

(Ўзбекистон Рассомлар союзининг съезди тўғрисидаги ҳисобот газетанинг келгуси сонида эълон қилинади). ЎзТАГ.

## Қайта қуришни зўр ғайрат билан амалга оширайлик

Тошкент шаҳар партия комитетининг 11 апрель куни бўлиб ўтган пленумида КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми якунлари ҳамда қайта қуришни жадаллаштириш ва кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш юзасидан шаҳар партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди.

Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатиннинг докладида, нутқларда ҳамма жойда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни вужудга келтириш, ошкораликни кенгайтириш, ҳар бир ходимнинг топширилган иш учун масъулиятини ошириш тадбирлари кўрилаётганлигига қарамай, шаҳар партия комитети, район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари қайта қуришни ҳамон зарур даражада самарали ва ҳужумкорлик билан амалга оширмаётганликлари айтиб ўтилди. Натижада биринчи кварталда ишлаб чиқаришни ўстиришнинг белгиланган суръатига эришилмади, кўпгина корхоналар планни удалай олмадилар, давлатга йигирма беш миллион сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди. Қурилишда силжишлар бўлмади. Аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги топшириқлар барбод этилди. Партия комитетлари интенсивлаш, социал-иқтисодий ривожланишда туб ўзгаришлар бўлиши учун мавжуд имкониятларни суст рўёбга чиқармоқдалар. Айрим раҳбарлар эскичасига ишлаётганликлари, қолоқ фикр юритаётганликлари, хўжаликка раҳбарликнинг янги методларига етарлича баҳо бермаётганликлари ва инсон омилидан суст фойдаланаётганликлари, кадрлар малакаси кўпинча паст бўлганлиги, ишчи ўринбосарларини тайёрлаш тўғрисида зарур ғамхўрлик қилинмаётганлиги кўп жиҳатдан бунга сабаб бўлмоқда.

Пленумда айтиб ўтилган камчиликларни бартараф этишга, кадрлар сиёсатини янада такомиллаштиришга, коммунистларнинг қайта қуриш жараёнида янада фаол қатнашишини таъминлашга қаратилган тадбирлар комплекси белгиланди.

Пленумда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов нутқ сўзлади.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари Н. С. Игрунов ва И. Е. Пономарев иштирок этдилар.

• • •

11 апрель куни Сурхондарё, Наманган, Сирдарё, Қашқадарё ва Хоразм область партия комитетларининг пленумлари бўлди. КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини бажариш юзасидан областлар партия ташкилотларининг вазифалари муҳокама қилинди. Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Н. Р. Ражабов, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Ф. Клепиков, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов доклад қилдилар.

Пленумларда: Термизда — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, Урганчда — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Н. Лобко, Қаршида — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика Давлат агросаноат комитети раиси И. Ҳ. Жўрабеков, Наманганда — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири П. В. Догонкин, Гулистонда — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Ш. З. Камолхўжаев нутқ сўзладилар.

Қашқадарё ва Хоразм область партия комитетларининг пленумлари ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари Г. В. Кошель, М. Л. Ишков иштирок этдилар. (ЎзТАГ)

• • •

(Тошкент шаҳар партия комитети ва область партия комитетлари пленумлари ҳақидаги ҳисоботлар газетанинг навбатдаги сонларида эълон қилинади).

## ОБЛАСТЬ ХОТИН-ҚИЗЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

САМАРҚАНД, 11 апрель. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда бўлиб ўтган область хотин-қизлар конференциясида КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш, беш йилликнинг иккинчи йили план ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш юзасидан хотин-қизлар кенгашларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Хотин-қизлар область халқ хўжалиги ва социал соҳасининг барча участкаларида самарали меҳнат қилаётганликлари, ишлаб чиқаришни бошқаришда фаол қатнашаётганликлари уқтирилди. Шу билан бирга хотин-қизларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш тўғрисида кам ғамхўрлик қилаётган корхоналарнинг раҳбарлари кескин танқид қилинди. Ишлаётган оналарга медицина ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги жиддий камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Конференцияда областдаги меҳнаткаш хотин-қизлар ўртасида Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбориш йўллари белгиланди.

Область хотин-қизлар кенгашининг янги состави, Ўзбекистон хотин-қизларининг бешинчи съездига делегатлар сайланди.

Конференцияда Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Р. С. Ашуралиев нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

